O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 16-mart • N12 (3602)

*ЯНА ШУЪЛАЛАРДАН ҚАМАШМОҚДА КЎЗ,*
*ЯНА ДИЛДОРЛИКНИНГ ФУРСАТИ ЕТДИ!*

## НАВРЎЗ ТАШРИФИ



Кечаги кунгача чўзилган қиш совуғи ўрнини кўкламга бўшатиб берди. Яшиллик кўзга иссиқ босилади. Дов-дарахтлар бутоғини безаб турган оқ ва пушти гуллар кўнгилда жаранглаб акс-садо таратаётгандек гўё.

"Зерикарли қишни баҳор нафаси ҳайдади, мусаффо баҳор яна ўз ҳукмига кирди", дея таърифлайди Юсуф Хос Ҳожиб Наврўзни. Асрлар ўтаверади, замон ўзгараверади, аммо фасл кўринишлари, инсон табиати ўша-ўша...

Учинчи мингйилликнинг биринчи Наврўзи. Техника асрида, ахборот асрида одамзод бир зум тин олади ва бу ёруғ жаҳонда Ҳақнинг ўзи яратган табиатдан-да аълороқ кашфиёт йўқлигига амин бўлади.

Қушлар чуғур-чуғурига қулоқ тутинг. Булбулнинг тонг саҳардаги нолиши қайси бастакор хаёлига келибди дейсиз! Ўша соҳир нолаларни нота қоғозига тушириб бўлармикан? Ёки сойлар шалдираши сизга жаннат маъвосини эслатмайдими? Ранг, табиат мусиқаси, турли-туман махлуқотнинг уйқудан уйғониб, ҳаракатга келиши — барчаси қўшилиб Наврўз аталмиш айём қиёфасини белгилайди.

Улуғ шоир Ҳайдар Хоразмий "Гул ва Наврўз" асарида тараннум қилгани каби:

**Чаманлар бўлди жаннатдин**
**намудор,**
**Очилди гул, сочилди мушки**
**томор.**
**Янги йилнинг бошида рўзи**
**Наврўз,**
**Садафдин чиқа бир дурри**
**шабаррўз.**

"Дурри шабаррўз" — кечаси ял-ял товланадиган дур экан. Алалхусус, Қуёшнинг таваллуд куни, яъни кундузу кечанинг тенглиги ўзгача бир ҳикматга, сир-синоатга эга. Демак, Наврўз қиш бўйи сокин тортган кўнгил гўшаларига ёғду сочиб, бизни ўша хотиржамликдан мосуво қилади.

Йўқ, анвойи ранглар кўзни толиқтирмайди. Табиат ўз ҳусн-тароватини ила нималаргадир имо қилаётгандек худди. Гўё идрок англаб етолмайдиган, ақл чамалашга ожиз нимадир бизга тобора яқинлашиб келаётгандек.

Ҳиссиёт сўзга айланмайди. Туйғулар сўзлардан-да каттадирлар. Ҳақ Наврўз чоғида ҳамма ашёда тажалли этади. Кўнгил ажиб бир завқу шукуҳ ила ошино тутинади. Ассалом, мусаффолик! — дейсиз ва жавоб тариқасида турфа гуллар ифор таратадилар, осмон зангори тусга киради, қудуқлар сувига ширин таъм инади.

Алҳол, яшариш фасли, ғуборлардан покланиш фасли — Наврўз яқинлашиб келмоқда. Наврўзи оламнинг илк қадам товушини эса юрагимиздан эшитамиз.

Серқуёш минтақамизга ташрифинг муборак, эй хислатли айём!



## СОҒИНЧ

**Шафақларда қалқийди чирой,**
**Дилдан гина ғам қувилади.**
**Доғларини қирқиб ташлар ой,**
**Севгим — ҳилол қўшиқ бўлади.**
**Новдаларга қўниб тургай сўз,**
**Келгил жоним,**
**соғиндим Наврўз!**

**Жамолингга тутқун бўлар у,**
**Ўксиб-ўксиб йиғлагай осмон.**
**Ҳолсизгина чекинар қайғу,**
**Ёр солланиб келгани замон,**
**Авжи баланд муножот, феруз,**
**Келгил жоним,**
**соғиндим Наврўз!**

**Инграб турар дилимда минг уд,**
**О, ёримни қўмсайман ёмон.**
**Лол қотади кўксимда сукут,**
**Бошин эгар у ҳам сен томон.**
**Сен-да ёлғиз, мен-да бир ёлғиз,**
**Келгил жоним,**
**соғиндим Наврўз!**

**Ислом АҲАД**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Бадиий академиянинг халқаро "АРТ-ҲАМРОҲ" корхонаси "XXI аср — ўзбек рангтасвир ва халқ амалий санъати тикланиш даври" деб номланган тадбир ўтказди. Тадбирда корхона директори А.Солиҳов "АРТ-ҲАМРОҲ"нинг фаолияти ва мақсадлари ҳақида сўзлади.

Академиянинг "Либос" маркази дизайнерлари янги либосларини намойиш қилдилар. Санъат усталарининг чиқишлари тадбирга файз бағишлади.

**Т.РЎЗИМАТОВ**

* * *

**Модалар соат кафгиридан ҳам илдамроқ қадам ташлаётган замонда либослар кўргазмаси очилибди, деб бировни ҳайратга солиш қийин. Дунёнинг исталган бурчагида ҳар куни ўнлаб ана шундай кўргазмалар ташкил этиб турилибди. Бироқ 1-15 март кунлари Республика амалий санъат музейида намойиш этилган либослар ҳаммада қизиқиш уйғотди. Ҳайратга ошно этган, жозибали бу кийимларнинг ижодкори, тикувчи Тожихон Мусаева.**

**"Дунё кезган либослар" деб номланган кўргазмани Маданият ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубият маркази, "Ўзбекрақс" бирлашмаси ва Амалий санъат музейи уюштирди.**

**Салкам ярим асрдирки, Тожихон Мусаева ўзбек санъати, санъаткорлари учун кийим тикади. Мукаррама Турғунбоева, Қундуз Миркаримова, Тамарахоним каби ўнлаб рақсимиз маликалари билан биргаликда бу либослар дунё кезди. Миллий ўзлигимизни жаҳонга кўз-кўз қилди.**

**У.ДОЛИЕВА**

* * *

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабалар асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма асосидаги танловда дастгоҳли рангтасвир бўлими талабаси Анвар Шодиевнинг "Тақдир" асари биринчи ўринга сазовор бўлди.



**Д.СУЮНОВА**

## ОФАРИН АЙТМОҚ ШАРАФИ

***Баҳор ва гўзаллик, қут-барака, тўкинлик, фаровонлик рамзи бўлмиш қутлуғ Наврўзи олам нафаси уфуриб турган айни дамларда юртимиз яна бир катта тантананинг гувоҳи бўлди. Пойтахтимизнинг муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройига тўпланган жамоатчилик вакиллари йилнинг энг яхши ижодкорларини карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар.***

Бундан бир йил аввал ижодий жамоатчилик ташаббуси ва Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши билан ташкил этилган "Офарин" — йилнинг энг яхши ижодкори" танлови совриндорлари илк бор айнан шу саройда тақдирланган эдилар. Бу йил адабиёт, санъат, матбуот, кино, театр, радио ва телевидение, мусиқа ва рассомлик санъати соҳаларида самарали фаолият кўрсатаётган ўнлаб истеъдод соҳибларидан йигирма биттаси "Офарин" мукофотининг совриндори бўлди.





Саройга йиғилган санъат ва маданиятимиз ихлосмандлари, зиёлилар фақат мукофот соҳибларинигина эмас, номзодлари кўрсатилган барча ижодкорларни ҳам чин дилдан олқишладилар. Зотан, мамлакатимизнинг шундай нуфузли мукофотига номзод сифатида кўрсатилишининг ўзи ҳам ижодкор меҳнатининг эл-юрт томонидан муносиб баҳоланиши ва эътироф этилишидир. Номзодларнинг барчаси ижод соҳасида бир-биридан кам эмас, гап фақат бу гал омад кимга кулиб боққанида. Очиғини айтганда, тадбирга йиғилганлар ҳаяжони мукофот соҳибларининг қувонч ва ҳаяжонларидан кам бўлгани йўқ. Ҳар бир ижодкорга мукофот топширилаётган вақтда янграган қарсаклару олқишлар уларнинг машаққатли меҳнатлари қадрини топаётганидан далолатдир. Шу ўринда "Офарин" мукофотининг лауреати, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг: "Мен ўйлайманки, ўз адабиёти ва санъатини шундай юксак қадрлайдиган эл ва унинг Юртбошиси ҳеч қачон кам бўлмайди", деган сўзларини келтириш айни муддао деб ўйлаймиз.



Мукофотларни халқимизнинг ардоқли фарзандлари Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Зикир Муҳаммаджонов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Усмон Азимов, Ёқуб Аҳмедов, Гулчеҳра Жамилова, Фаррух Зокиров, Руфат Рисқиев, Баҳодир Жалолов, Абдуҳошим Исмоилов, Турсуной Содиқова, Баҳодир Йўлдошев, Рустам Қосимжонов, Наби Абдураҳмоновлар топширдилар. Атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов Матназар Абдулҳакимга мукофотни топшираётиб айтган сўзлар ҳам қалблардан чуқур жой олди. "Сиз, — дедилар Эркин ака, — ҳазрат Навоий шеърияти йўлида ижод қилишга интилиб келаётган шоирларимиздансиз. Бу йўлда сизга зафарлар ёр бўлсин".



Таниқли ёзувчи Хуршид ДЎСТМУҲАММАД — "Бозор" романи, "Ҳижроним мингдир менинг" қисса ва ҳикоялар тўплами ҳамда "Озод изтироб қувончлари" китоби учун, Матназар АБДУЛҲАКИМ — миллий тафаккур ғоялари билан йўғрилган туркум шеърлари учун, Сафар БАРНОЕВ — "Менинг муаллимим" достони, ҳикоялар, шеърлар ва публицистик мақолалар туркуми учун, Одил ЁҚУБОВ — "Бир кошона сирлари" пьесаси учун, Иброҳим РАҲИМ — "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинган мақолалари учун, Собир НАЗАРМУҲАМЕДОВ — "Чаёнгул" бадиий филми режиссураси учун, Баҳром ЁҚУБОВ — "Миллат қайғусидан, халқ дардидан яралган..." видеофилми режиссураси учун, Рифқат ИБРАГИМОВ — "Паримомо" бадиий филмини суратга олишдаги опера-торлик иши учун, Шуҳрат МУТАЛОВ — "Мен элимнинг юрагида яшайман" туркум видеофилмини суратга олишдаги операторлик иши учун,





Хайрулла САЪДИЕВ — "Алпомиш" бадиий филмидаги Тойчахон роли ижроси учун, Мадина МУХТОРОВА — кино ва телевидениеда яратган аёллар образлари туркумлари учун, Олимжон САЛИМОВ — Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган "Боз-масхарабоз" спектакли режиссураси учун, Валерий ЦВЕТКОВ — Ўзбекистон рус драма театрида саҳналаштирилган "Ҳар тўкисда бир айб" спектаклидаги Крутицкий роли ижроси учун, Турсун ҚАЙИПНАЗАРОВА — Қорақалпоғистон давлат мусиқий театрида саҳналаштирилган "Ота тақдири" спектаклидаги Улжон роли ижроси учун, Муножот ЙЎЛЧИЕВА — мумтоз қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этганлиги ва санъатимизнинг хориждаги тарғиботи учун, Анвар ЭРГАШЕВ — янги қўшиқлар ва куйлар туркуми учун, Адиба ШАРИПОВА — юксак ижрочилик маҳорати учун, Жамол УСМОНОВ — "Руҳ ва хаёл" кўргазмасида намойиш этилган асарлари учун, Алишер НАРЗУЛЛАЕВ — Ғиждувон кулолчилик мактаби анъаналарини тиклагани учун, Холида КОМИЛОВА — Ўзбекистон миллий либоси дизайнини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва аёллар учун миллий матолардан яратилган либослар тўплами учун йилнинг энг яхши ижодкори сифатида тақдирландилар. Шунингдек, тасвирий санъатимизга улкан ҳисса қўшиб келаётган кекса рассомларимиздан Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ "Санъатга бахшида умр" номинацияси бўйича "Офарин" мукофоти совриндори бўлди.

Барча совриндорларни муштарийларимиз номидан самимий қутлаймиз ва уларга ижодий баркамоллик тилаймиз.

**Ғулчеҳра УМАРОВА**

**Суратлар муаллифи: Содиқ МАҲКАМОВ.**

## БУРЧ ДЕГАН ТУШУНЧА БОР...

*Акс садо*

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этилган "Озод Ватан одами" мавзуидаги давра суҳбатини қизиқиб ўқиб чиқдим. Ва бу борада менда ҳам баъзи мулоҳазалар туғилди.

Бунга кўпроқ телевидениеда намойиш этилган "Замонамизнинг ёш қаҳрамони" кўрсатуви сабаб бўлди. У бекободлик ёш спортчи, 10 яшар жаҳон чемпиони тўғрисида. Кўрсатув муаллифи спортчининг қилаётган ишлари, кундалик машғулотлари ҳақида ҳикоя қилиб, пировардида "мана, замонамизнинг қаҳрамони" деган якдил хулосани томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.

Кўрсатувдан сўнг, "қаҳрамон" истилоҳининг салмоғи хусусида ўйлаб қолдим. Замонамиз қаҳрамони даражаси юксак бўлиши керак назаримда. Тўғри, бугунги кунда юртимиз равнақи, фаровонлиги, обрў-эътибори учун фидоийлик, жонбозлик кўрсатаётганлар кўп. Уларни "юртимиз фахри" дейлик, "мамлакатимиз фидоийси" дейлик. Лекин ҳар бирини ўша кўрсатувдаги сингари замонамиз қаҳрамони деб атайверсак, "қаҳрамон" деган улуғ тушунчани жўнлаштириб қўймаймизми? Қолаверса, Ватан, халқ олдидаги бурч деган тушунча бор. Юрт учун қилаётган ҳар бир ишимиз унинг олдидаги оддий фарзандлик бурчимиз-ку ахир.

Адабиётдаги "бугунги кун қаҳрамон"и эса алоҳида масала. Унинг ўзига хос мезонлари мавжуд.

"Замонамиз қаҳрамони" ёшлар учун идеал тушунча бўлиб қолиши керак. Ёшлар унга интилиб яшасин. "Мен бир куни албатта қаҳрамон бўламан" деган орзу ниш урсин улар қалбида. Қаҳрамонликнинг қолипи бўлмайди. "Сен фалон-фалон ишни қилсанг, қаҳрамон бўласан" дейишнинг ўзи мантиқсизлик. "Лисон ут-тайр"даги ўттиз қуш (симурғ)ни эсланг. Улар идеал (симурғ)ни, агар таъбир жоиз бўлса, қаҳрамонликни излаб йўлга тушишади. Охир-оқибат, манзилга етиб қарашсаки, излаганлари ўзларида экан. Ёшлар ҳам, назаримда, шундай. Интилишса, бир куни кутилмаган томондан қаҳрамон бўлиб қолишганини сезмай қолишади.

**Асқар ШОКИР**

## "НУҲ УМРИЧА БЎЛСИН ҲАЁТИНГ..."

*Қувончак газетхондан хат*

Жарақ-жарақ пул санашни ўрганган, аммо Навоийдан бирор сатр билмай мактабни битираётган баъзи ёшларга ачинаман. Шахсан мен бундай ёшлар феъл-атворидаги қусурларни улуғларимиз асарларини ўқимасликдан, тушунмасликдан деб биламан. Ўзим эса улуғ шоир асарларини теран тушунмасам-да, мустақил ўқиб, фикрларимни қоғозга туширишга ҳаракат қиламан.

Кейинги вақтларда баъзиларда ташқи кўринишга зўр бериш ҳисси кучайиб кетди. Бундайлар янги чиққан кийим-кечак ёки матонинг фалон пуллигига оғринишмайдию, китоб, газета, журналга келганда "қийналишади". Шундайларни кўрганда ҳазрат Навоийнинг қуйидаги сатрлари ёдимга тушади.

**Одам ўлғон зеби зоҳирдан демас,**
**Кимки ондин фахр этар одам эмас.**

Ўша башанг кийинган, Яссавий бобомиз иборасида айтганда, "турлик турлик еганлар" бирорта ҳадисни ёддан билармикан. Билишмайди. Билишса ҳам амал қилишмайди. Айримларимиз, шахсий, оилавий манфаатлар баҳона ўн марта бўлса-да тегишли муассасаларга боришга вақт топамиз. Аммо боқувчиси йўқ қўшни кампирнинг ҳолидан хабар олмай қўйдик, деб на ўзимизни, на ўзгаларни безовта қилмаймиз. Шундай дамларда ҳам аллома шоиримизнинг ўзгалар ҳолидан огоҳ бўлишга даъваткор сатрларини эслаш лозим. Зеро, фақат ўзини, оила, бола-бақрасини ўйлаган билан киши узоққа боролмайди.

**Агар ўлса ҳикматга илтифотинг,**
**Ки, Нуҳ умрича бўлсин ҳаётинг.**

Мен ҳаётимда кўп мушкул саволларга ҳикматлардан жавоб топганман. Ҳаётни китобга, китобни ҳаётга таққослаб ҳақиқатни англашга интилдим. Билдимки, айрим ёшларимиз-нинг жиноят йўлига кириб кетаётганлари, маънавий саёзлиги китоб ўқимасликларидан. Аксинча, тўртинчи сатри ўн марта такрорланадиган енгил-елпи қўшиқларга уларда рағбат топиладики, мен бунга ачинаман. Кимнинг ҳикматларга, олтин меросимизга илтифоти бўлса, ҳазрат Навоий айтганларидек: "Ки, Нуҳ умрича бўлсин ҳаётинг" дейман.

**Тоҳирахон БУРҲОНОВА**
**Андижон**

